

Фаоллар ташаббуси билан

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Мустақиллик биз учун энг улуг, энг азиз байрамдир, — деди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Шарбат Абдуллаева. — Чунки, бу кунда халқимиз озодлик, эркинликка чиққан. Шу боис сиз эмин-эркин униб-ўсаясиз, таълим-тарбия олаёйсиз. Юртимизда қандай эзгу ишлар амалга ошаётган бўлса, барчаси сизлар учун. Бунга жавобан сиз аъло ўқишингиз, устозлар ўғитини олиб, келажақда яхши инсон, бирор-бир касбнинг моҳир устаси бўлиб етишингиз керак.

— Мен бу йил биринчи синфга бораман, — дейди тарбияланувчи Константин Назаров. — Ҳарфларни ўқишни ўрганиб олдим. Мактабда ҳам аъло баҳоларга ўқимочиман. Устозларим айтишдики, яхши ўқиган бола яхши одам бўлар экан. Катта бўлсам, ҳаммага яхшилик қиламан.

— Меҳрибонлик уйининг жами 120 нафар тарбияланувчисидан 27 нафари янги ўқув йилида биринчи синфга қадам қўяди, — дейди Ўзбекистон ХДП Собир Раҳимов туман кенгаши раиси Камолдин Акрамов. — Биз бугун байрам муносабати билан уларга ўқув қуроллари совға қилдик. Умуман, байрам тадбирларини туманимизда кенг миқёсда ўтказишга ҳаракат қилаёғимиз. Аввало, тарғибот-ташвиқот ишларига алоҳида эътибор қаратяёғимиз. Маҳаллалар, жамоаларда кўплаб учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этаёғимиз. Ушбу тадбирларда 24-Меҳрибонлик уйида меҳнат қилаётган 13 нафар партиямиз аъзоси ҳам фаол иштирок этапти.

Шундай байрамолди тадбирларидан яна бири Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ал-Бухорий номли маҳалла гузарига бўлиб ўтди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зайнаб Фаниева мустақилликнинг фуқаролар тақдирини, хусусан, маҳалла ҳаётидаги ўрни хусусида ўз фикрларини билдириб, ЎзХДП ғоялари, дастурий мақсадлари ҳақида тўхталди.

— Бундай тадбирларни айнан маҳалла гузарларида



ОРЗУЛАР ИЖОБАТИ

бугунги ҳаётимизда яққол акс этмоқда

ўтказиш анчадан бери анъанага айланиб қолган, — деди Ҳамза туман партия кенгаши раиси Авазбек Тошматов. — Шунинг учун ҳам ЎзХДПнинг худудий, бошланғич ташкилотлари ҳозирда тумандаги аксарият маҳаллаларда самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Бугунги тадбирда қатор партия фаолларига фазрият ёрликлар, кам таъминланган оилаларга байрам совғалари топширдик. Шунинг билан бирга, ҳуррият туфайли кўлга киритилган ютуқлар, имкониятлар, юртимизда юз берган беқиёс ўзгаришлар, партиямиз томонидан олиб борилаётган амалий ишлар электротарқатасида тарғиб қилинмоқда.

Ўзбекистон ХДП Юқори Чирчиқ туман кенгаши томонидан ҳам қатор байрам тадбирла-

ри ташкил этилмоқда. Тумандаги Янгибозор истироҳат боғи, Янгибозор ахборот-ресурс маркази, туман йўллардан фойдаланиш бошқармасида ташкил этилган учрашув, адабий кечалар шулар жумласидандир. «Мустақиллик бизнинг борлигимиз, шону шухратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир» шиори остидаги ушбу тадбирларда аҳоли кенг қатламлари вакиллари иштирок этди. Санъаткору ижодкорлар, маънавият соҳаси жонқурлари мамлакатимизнинг, бугунги саодатли кунларга эришиш учун босиб ўтган йўли, мустақилликни кўлга киритиш осон бўлмагани, чекилган машаққатлар ва уларнинг самараси ҳақида фикр юритдилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Булунгур ту-

ман кенгаши ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ҳамкорлигида икки авлод вакиллари учрашуви ўтказилди.

Унда партия фаоллари, фазриятлар Л.Сувонқулов, А.Шерматов ҳамда туман партия кенгаши раиси Т.Юлдашевлар қатнашди. Фаоллар ёшларга истибод даврида чекилган ҳечқанда азоб-уқубатлар, озодликнинг нақадар олий бахт эканлиги, туманнинг ўтмиши, ҳозирги кунини ва истиқболни ҳамда партиямизнинг ғоя ва мақсадлари ҳақида ёшларга сўзлаб беришди. Икки авлод вакиллари ўртасида қизғин савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Бехрод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.


Мустақиллик имкониятлари

ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДА

Мустақиллик байрами арафасида Қибрай туманида бир қатор маданий-маиший бинолар қуриб битказилди

Мустақиллик йиллари Қибрай тумани учун ўсиш, улғайиш, юксалиш йиллари бўлди. Худуддаги ўзгаришлар унинг қиёфасини пойтахт қиёфасига уйғунлаштириб, энг замонавий уй-ҳойлар, тиббий ва соғломлаштириш марказлари, янги-янги мактаблар, лицей ва коллежлар, маъмурий, ижтимоий иншоотлар, катта-катта қўшма корхоналар, савдо ва маиший хизмат шохобчалари, кенг, раvon йўллар, муаззам кўприклар вужудга келди. Туман аҳолисини иш билан таъминлаш йўлида бандлик дастурига кўра, юзлаб-минглаб янги иш ўринлари яратилди.

Булунгурнинг ҳаммаси туманда истиқлол йилларининг ҳар бири йили учун белгиланган ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг устувор вазифаларини бекам кутиб бажарилишида залворли омил бўлиб хизмат қилмоқда. Биргина жорий йилнинг ўтган даври ичида (олти ойлик яқунларга кўра) саноат корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотлар ҳажми 53 миллиард 31 миллион сўмдан ошиб кетди. Халқ истеъмол моллари тайёрлаш миқдори ҳам деярли шу кўрсаткич даражасида бўлди. Бошқача айтганда, аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган маҳсулот салкам 320 минг сўмга тўғри келди. Бундай ютуқларга эришилишида 1-темир-бетон буюм-



лари ишлаб чиқариш корхонаси, «Интер-роҳат», «Карвон», «Афсар» каби ўнлаб корхоналар, юзлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамоа-

ларининг муносиб улушлари бор. Шунингдек, худудда фаолият кўрсатаётган 36 та қўшма корхона ҳам бу муваффақиятларга

салмоқли ҳисса қўшди. Натижада, туман аҳолиси 1700 дан зиёд янги муқим иш жойлари билан таъминланди. Бу иш ўринлари асосан, корхоналарни қайта қуриш ва кенгайтириш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш, кичик корхоналар ва микрофирмалар очиб, замонавий ишлаб чиқариш цехларини ишга тушириш, ихтисослашган фермер хўжаликлари ташкил этиш, меҳнатнинг янги тури — касаначиликни ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш каби кўплаб омиллар ҳисобига бўлди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги байрами тантаналари арафасида эса туманда янги икки қаватли ошона ва маиший хизмат биноси, замонавий дўкон-чойхона шохобчаси, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари дўкони ва янги компьютер хизмати масканлари очилишига қизғин ҳозирлик қилинмоқда.

Шубҳасиз, буларнинг барчаси туман иқтисодийётининг юксалиши ва ижтимоий ҳаёти фаровонлиги ва аҳоли турмуш тарзининг тобора яхшилланишида бениҳоят катта ўрин тутади.

Замон АЛИ
Суратларда: туманда фойдаланишга топширилган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари; маҳалла гузарини; қўшма корхона фаолиятдан лавҳалар.

Айём арафасида

ЎҚУВ МУАССАСАСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ БИНОСИ

жаҳон талабларига тўлиқ жавоб беради

Ҳар йили Истиқлол байрами арафасида мамлакатимизнинг турли жойларида юзлаб янги маданий-маърифий иншоотлар қурилиб, капитал таъмирлашдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилади. Бу йил ҳам шу анъана давом эттирилиб, кўплаб ўқув юрталари, соғлиқни сақлаш муассасалари, дам олиш ва спорт масканларини қуриш ва таъмирлаш ишлари якунига етказилди. Кеча пойтахтимизнинг Яққасарой туманида ҳам нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиёда ягона бўлган Тошкент эстрада ва цирк коллежининг янги ўқув бинолари фойдала-



нишга топширилди. Эски бинолар капитал таъмирдан чиқарилди, қўшимча бир неча янги корпуслар қурилди. Энг

асосийси, янги қурилган бинолар шу йўналишдаги ўқув муассасаларига кўйилган жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб беради.

Очилиш маросимида давлат ва нодавлат ташкилотлари билан бирга Ўзбекистон Халқ демократик партияси вакиллари ҳам иштирок этдилар.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева ёшларимизнинг илм олиши, касб эгаллаши, спорт билан шуғулланиши, ҳордиқ чикариши учун давлатимиз томонидан амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар, «Ёшлар йили» Давлат дастури бажарилишида Ўзбекистон ХДПнинг иштироки ҳақида тўхталди. Яққасарой туман ҳокими Валижон Муллажонов Истиқлол йилларида юртимизда, хусусан, туманда амалга оширилган кенг қўламли ишлар ҳақида сўзлади.

Маросим сўнгида мазкур ўқув юрти талабалари томонидан концерт дастури намойиш этилди.

(Ўз мухбирими).
Суратларда: маросимдан лавҳалар.
Козим ЎЛМАСОВ
олган суратлар.

ЯНГИ КОЛЛЕЖ

Энг улуг, энг азиз байрам — мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида Қорақалпоғистон Республикасида ўнта касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди.

Улардан бири — Тахиятош шаҳрида қуриб битказилган энергетика касб-ҳунар коллежидир. Замонавий меъморлик талаблари асосида бунёд этилган коллеж зарур ўқув жиҳозлари, лаборатория ускуналари, интернет тармоғига уланган энг сўнгги русумдаги компьютерлар билан таъминланди. Олти юз ўқувчига мўлжалланган бу иншоотни Тахиятош шаҳридаги «Гидро-энергоқурилиш» бошқармаси қурувчилари бунёд этишди.

— Янги коллеж биносида ўқувчиларимиз учун барча шарт-шароит яратилган, — дейди касб-ҳунар коллежи директори Тўрамурод Тилеубоев. — Кенг ва ёруғ ўқув хоналари, ошона ва ётоқхона, спорт зали, маълумотларга бой ахборот-ресурс маркази уларнинг ихтиёрига берилади. Коллежимизда ёшлар саккиз йўналиш бўйича билим олади.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎЗА мухбири

Солиқ ва ҳаёт

ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО

Биласиз, Давлат солиқ хизмати органларининг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўлланган ҳолда солиқ тўловчиларга ахборот хизматлари кўрсатиши янада такомиллаштириш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан молиявий ҳисоботлар ва ҳисоб-китоблар тақдим этишда электрон ҳужжат айланишини жорий этиш мақсадида ҳукуматимиз қарори билан республикамизда 2006-2010 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилган.

«Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловчилар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилган ҳолда давлат солиқ хизмати органларига молиявий ҳисоботлар ва ҳисоб-китобларни тақдим этиш амалиёти жорий этилишига қўмақлашадиган зарур норматив-ҳуқуқий база ҳам яратилмоқда.

Натижада, солиқ тўловчилар томонидан ҳисоботларни тақдим этишда катта қулайликлар яратилди. Яъни, солиқ тўловчилар солиқ органларига бормасдан, ҳисоботларни навабат кутиб вақтини йўқотмасдан, иш ўрнида, информацион алоқа орқали жўнатиш имконига эга бўлади. Ушбу дастур маълумотларни киритишда арифметик хатоларга йўл қўймасликни ва ҳисоботлардаги солиқ тўловчи реквизитларининг тўла киритилишини назорат қилиб боради.

Мазкур дастурга кўра, Олмалик шаҳар Давлат солиқ инспекцияси томонидан солиқ тўловчилар аризасига кўра, 2008 йилнинг 7 ойи давомида 160 та солиқ тўловчиларга электрон рақамли имзо берилди, информацион алоқа базасига эга бўлган солиқ тўловчилар томонидан 74 та электрон ҳисоботлар қабул қилинди.

Воҳид МАМАТҚУЛОВ,
Олмалик шаҳар ДСИ бошлиғи муовини.

ЁШ ОИЛАЛАР ҚУВОНЧИ

«Ёшлар йили» Давлат дастурига биноан Фарғона шаҳрида тўрт қаватли турар жой биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Истиқлол байрами арафасида Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ёшларига бу аjoyиб байрам тўғриси бўлди.

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаровон ҳаёт кечирishi учун зарур шарт-шароитларни яратиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2007 йил 18 майда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлаётди.

Мазкур янги иншоотни бунёд этишда «Саноатсавдоқурилиш» мажмуаси қурувчиларининг хизмати катта бўлди. — Корхонамизда меҳнат қилаётган 48 нафар ёш оила бу ерда уй тўйларини нишонлайди, — дейди Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи директори ўринбосари Нўрмонжон Омонов. — Юртбошимизнинг Фармони ёшларга ҳар томонлама ёрдам бериш, меҳнат фаолиятини бошлаётган ва мустақил ҳаётга қадам қўяётган йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш ҳамда уй-жой ва бошқа маиший масалаларни ҳал қилишда катта аҳамият касб этмоқда.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири



Тиббиёт ва ислоҳот

Истиқлол йиллари мамлакатимизда аҳоли соғлиғини, айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари давлатимиз сийосатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Уттан ўн етти йилга назар ташласак, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизими истиқлол тиббиётининг асосий негизини ташкил этганининг гувоҳи бўламиз.

Кенг қўлланма ишларга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди, албатта. Бу, соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилган ислохотлар ва соҳа ходимларининг фидойи меҳнатлари натижасидир. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш БШ бошқармасининг бошлиғи Клара ЯДГАРОВА билан суҳбатимиз ҳам шу ҳақда бўлди.

— Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, 1998 йилда давлатимиз томонидан қабул қилинган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурида белгиланган мақсадли вазифаларни муваффақиятли амалга оширилиши натижасида республикамизда аҳолига хизмат қилаётган янгидан-янги тиббиёт масканларнинг ташкил этилишига, уларнинг моддий-техника базасини янада яхшиланishiга, тиббиёт муассасаларининг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланишига, тиббиёт ходимларининг билим савиялари ошишига ва натижада аҳоли ўртасида касалланиш ва ўлим кўрсаткичларини кескин камайишига олиб келди.

Республика бўйича оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари давлатимиз томонидан алоҳида эътиборга олинган устувор йўналишлардан бири бўлиб, тиббиёт соҳасини янада яхшилаш, унинг салоҳиятини ошириш мақсадида қатор давлат дастурлари қабул қилинди.

Янги минг йилликдаги асосий мақсадимиз соғлом авлод ва соғлом миллатни камолга етказишдир. Зотан, оналар ва болалар — жамият фаровонлиги ҳамда унинг истиқболдаги салоҳияти мезонидир. Утган йилларда соғлиқни сақ-

шифохона шароитида соғломлаштирилди.

— Клара Тоҳировна, она ва болага тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан кадрларнинг билим салоҳиятига боғлиқ...

— Тўғри, кадрларнинг билим ва тажрибаси соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш борасида бош омил бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги кунда республикамизда болалар ва аёлларга 4 минг нафардан ортқ умумий амалиёт шифокори, 10 минг нафарга яқин педиатр, 1444 нафар неонатолог, 6 мингдан зиёд акушер-

гаприб ўтсангиз.

— Дарҳақиқат, насилимининг соғлиғи — жамият тараққиётининг энг асосий омилларидан бири. Зеро, Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом фарзандни дунёга келтириш, уни тарбиялаш, соғлом ўстириш масалаларига шахсан Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратиляпти.

Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ ҳукуматимиз томонидан соғлом оилани шакллантириш, аёллар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, жисмонан бақувват, соғлом авлоднинг камолга етказиш учун кўлаб хайрли ишлар бажарилди. Бир-

хавфли гуруҳни ташкил этди. Туғма гипотиреоз билан туғилган бемор болаларга таркибидан йод сақловчи дори воситалари, шунингдек, аҳоли орасида йод танқислиги касалликларини олдини олиш мақсадида транзитор гипотиреозли болаларга 37970та йод препаратлари ҳамда фенилкетонурия билан касалланган болаларга 353 та банка шифобахш овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Авлодларимизнинг боқийлиги энг аввало, оила қураётган ёшларнинг жисмонан соғлом ва маънан баркамоллиги билан бевосита боғлиқ. Бинобарин, 2003 йилнинг 25 августидан 3650 нафар Вазирлар Маҳкамаси-

лика хотин-қизлар кўмитаси билан амалга оширилган лойиҳалар, ақцияларни таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Шу йилнинг биринчи ярмида ҳамкорлик доирасида 110 нафар туғма лаб ва танглай нуқсонли бўлган ногирон болаларга 9,0 миллион сўм миқдорда республикамиз клиникаларида реконструктив-пластик операциялар ўтказилди, 3 нафар бола Германияга даволаш учун юборилди. Шунингдек, Жанубий корейлик мутахассислар томонидан хайрия асосида 60 нафардан ортқ



СОҒЛОМ МИЛЛАТ ҚУДРАТЛИ БЎЛАДИ

лаш тизимида ислохотларни амалга ошириш борасида олиб борилётган саъй-ҳаракатларимиз бугунги кунга келиб ўз самарасини бермоқда.

Жумладан, республикамизда 1991 йилда 1 ёшгача бўлган болалар ўлими кўрсаткичи ҳар мингга тирик туғилган чақалоқларга нисбатан 35,5 промиллега ташкил этган бўлса, 2007 йилга келиб бу кўрсаткич 13,1 промиллега тенг бўлди. Бундай кўрсаткичга биз аёллар, гўдак ёшдаги болаларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини тубдан яхшилаш, соғлом авлоднинг юзга етказиш борасида олиб борилётган саъй-ҳаракатлар натижасида эришдик.

2008 йил 6 ой давомида фертил ёшдаги аёлларнинг 88,3 фоизи тиббий кўридан ўтказилиб, улардан 67,0 фоизда турли хил экстрагенитал касалликлар, 6,8 фоизда хомилдорликка қарши монелик аниқланди. Касаллик аниқланган аёллардан 89,3 фоизи амбулатория шароитида, 10,7 фоизи

гинеколог, 700 нафарга яқин хирург ва бошқа ихтисослашган соҳа шифокорлари томонидан тиббий хизмат кўрсатилди.

1991 йилдан бошлаб Ўзбекистонда оналар ўлими кўрсаткичи 2 мартадан кўпроқ камайишига эришилди. Бунга соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг фертил ёшдаги аёлларни соғломлаштириш, исталмаган хомилдорликни олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларни кучайтириш, туғуруқлар оралиғини узайтириш, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш орқали эришилмоқда.

— Маълумки, мамлакатимизда фарзандларимизнинг соғлом, баркамол бўлиб ўсишини таъминлаш йўлида кенг қамровли ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, болаликдан туғма ногиронликнинг олдини олиш борасида амалга ошириляётган чора-тадбирлар ҳақида

гина мисол, 1998 йилдан бошлаб республикада ногирон болалар туғилишининг олдини олиш учун хомилдор аёллар ва чақалоқларнинг туғма ва бошқа патологисини барвақт аниқлаш, аҳолига тиббий-генетик ёрдам кўрсатилиши ва соғлом болалар туғилиши учун шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган бўлажак оналар ва чақалоқлар махсус текширувдан (скрининг) ўтказилишини таъминлайдиган махсус тиббиёт тизими ташкил топди.

Ирсий касалликлар ва туғма нуқсонли болалар туғилишининг олдини олиш ҳамда болаликдан ногиронлиқни камайтириш мақсадида бугунги кунда республикамизнинг 11 та ҳудудидан «Она ва бола» скрининг марказлари ташкил этилган.

2008 йилнинг 6 ойи давомида туғма гипотиреозга 220160 нафар янги туғилган чақалоқлар текширилди ва хавфли гуруҳга 2692 нафари киритилди. Фенилкетонурияга 221120 нафар чақалоқлар текширувдан ўтказилди, улардан 535 нафари

нинг «Нихоҳланувчи шахсларни тиббий кўридан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Шу муносабат билан ўтган беш йил ичида 1.389.322 нафар никоҳдан ўтувчи ёшлар тиббий кўридан ўтказилди. Уларнинг 3989 нафарида руҳий касалликлар, 1417 нафари сил касаллиги билан касалланган, 489 нафари захм, 369 нафари гиёҳванд, 371 нафарида ВИЧ инфекцияси аниқланди...

— Ҳозирги кунда ҳамма соҳада халқро ҳамкорликка катта эътибор қаратиляпти. Шу ўринда нодавлат ташкилотлар, халқро ташкилотлар билан олиб борилётган алоқалар хусусида ҳам тўхталсангиз.

— Истиқлол йилларида соғлиқни сақлаш тизимида кўмиталар, жамғармалар, нодавлат ташкилотлари, халқро ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилди. Шу ўринда, «Сен ёлғиз эмассан» ва «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармалари, Респуб-

туғма лаб ва танглай нуқсонли бўлган ҳамда кўкрак қафаси деформацияси билан касалланган Мехрибонлик уйларида тарбияланувчи ва ногирон болалар операция йўли билан соғломлаштирилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ЮНИСЕФ, ЖССТ, ЮНФПА, ЮСАИД ва бошқа халқро ташкилотлар билан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида яқин ҳамкорлик қилиб келяпти. Жумладан, 2005 йилдан бошлаб вазирлигимиз ЮНИСЕФ халқро ташкилоти билан чақалоқлар ўлимининг камайиши бўйича дастурини амалга ошириб келмоқда. Дастур доирасида 6 та пилот вилоятда (Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро, Фарғона, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри) чақалоқлар реанимация соҳаси бўйича ўқув курслари, акушер-гинекологлар ҳамда доялар учун семинарлар ташкил этилди.

Осиё Тараққиёт банки томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарь,

Фарғона, Хоразм ва Тошкент вилоятларида «Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳа бўйича вилоят ҳокимликлари билан ҳамкорликда 96 та туғуруқ муассасаларида таъмирлаш-реконструкция ишлари бажарилиб, энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Бинобарин, 2008-2009 йилларда эса Андижон, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё Сирдарё вилоятларида тиббиёт масканларида таъмирлаш реконструкция ишлари олиб борилди.

ЮНФПА халқро ташкилоти томонидан Жиззах, Андижон, Хоразм, Самарқанд вилоят туғуруқ комплекси ҳамда ҚВПлари қиймати 500 минг АҚШ доллари миқдоридagi тиббий асбоблар ва аппаратуралар билан жиҳозланди.

Аҳоли тиббий маданиятини ошириш мақсадида 2008 йилнинг ярим йиллиги мобайнида Саломатлик институти ва унинг филиаллари мутахассислари томонидан республика ва маҳаллий телерадиоканалларда 82 та радиоэшитириш, 41 та телекурсув ўтказилиб, газеталарда 47 та мақола чоп этилди, маҳалла аҳолиси ўртасида 2904та учрашув ўтказилди.

Мухтасар айтганда, соғлиқни сақлаш тизимидаги босқичма-босқич олиб борилган ислохотлар, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида давлатимиз томонидан қўриляётган комплекс чора-тадбирлар

бугун ўз мевасини берапти. Зеро, ана шу саъй-ҳаракатларимиз туфайли туғиш ёшдаги аёллар орасида экстрагенитал касалликлар билан касалланиш, ногирон болаларнинг туғилиши, оналар, гўдаклар ва болалар ўлими кўрсаткичлари олдинги йилларга нисбатан кескин пасайди.

Республикада соғлиқни сақлаш тизимининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида олиб борилётган комплекс чора-тадбирлар нуфузли халқро ташкилотлар томонидан юқори баҳоланаяпти. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФнинг ҳудудий идораси томонидан она ва бола соғлиғини мустаҳкамлаш дастури натижасига кўра, республикамиз ҳудудий модель деб топилди.

Бугун шунинг фахр билан айта оламизки, истиқлол йилларида тиббиёт тизимида олиб борилган ислохотлар ўз самарасини бера бошлади. Аҳоли онгидида саломатликка бўлган муносабат ўзгариб, соғлиқка масъулият ҳисси ошмоқда.

Оналар — ҳаётимизнинг гултожи, болалар эса турмушимизнинг қувончи, эртаимиз эгаларидир. Зеро, Она ва бола саломатлиги сулоламиз соғлиғи, шажарамиз боқийлиги, демокдир. Аслида, соғлом авлод — соғлом миллат, дегани ҳам шу ўзи.

Суҳбатдош:
Самда САЙХУН,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.



17 МУСТАҚИЛЛИК — ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ!


ЯНА БИР ЯНГИ КОРХОНА

Пойтахтимизнинг Яқасарой тумани ҳудудида мамлакатимиз мустақиллиги байрами арафасида «SEDAТ TRIKO TASHKENT» хорижий корхонаси фойдаланишга топширилди.



Истиқлол йиллари мамлакатимизда рўй берган ўзгаришларни, хорижий шериклар билан ҳамкорликни сарҳисоб қилсак, ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, ўтган йилларда асрларга татигулик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бир-

гина пойтахтимиз — Тошкент шаҳри заминидида бир неча қўшма корхоналар бунёд этилди. Хорижий инвестиция кириб кела бошлади. Минглаб қўшмачи иш ўринлари яратилди. Илгарилари, тўғрироғи собиқ иттифок даврида бун-



дай қўшма корхоналар барпо қилишга умуман йўл қўйилмасди. Оддийгина бир иморатни қуриш учун ҳам марказдан руҳсат олиш лозим эди.

Бугун фойдаланишга топширилган «SEDAТ TRIKO TASHKENT» хорижий корхонаси ҳам мустақил-

лигимиз неъматини, унинг меваларидан бири...

Умумий лойиҳа қиймати 2 миллион АҚШ долларидан зиёроқни ташкил этадиган мазкур корхонада 30 турдаги тўқимачилик санвати ва аҳоли эҳтиёжлари учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Булар турли рангдagi ленталар, иппар, аксессуарлар, трикотаж матоси ва ҳоказолардир.

— Мазкур корхона Туркиянинг «SEDAТ TRIKO» компаниясининг сармояси ҳисобига барпо қилинди. Айни дамда 50 нафардан зиёд маҳаллий йигит-қиз иш билан таъминланди, — дейди корхона бош директори Седат Шенгюл. — Корхона тўла қувват билан ишлаб бошлагач, иш 2-3 смепада ташкил этилиб, қўшмачи янги иш ўринлари яратилади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларимизнинг 60 фоиздан зиёди Европа ҳамда қатор хорижий давлатларга экспорт қилинади.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.
Суратларда: корхона фаолиятдан лавҳалар.
Вячеслав УЛЬЯНОВ
олган суратлар.



ҚАДРЛИ ҲАМЮРТЛАР!

Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси жамоаси

барчангизни мамлакатимиз мустақиллигининг

17 йиллик байрами билан

чин кўнгулган табруклаёғи.

Юртимизга тинчлик,

ватанимизга тараққиёт,

халқимизга фаровонлик тилаймиз.

Азизлар, қутлуз айёмингиз
жуборак бўлсин!

**Э.ОТАХОНОВ НОМЛИ
НАМАНГАН ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ
ЖАМОАСИ**

Муҳтарам юртдошлар!

Тиббиёт соҳасида, қолаверса, халқимиз сиҳат-саломатлигини асраш ва ҳимоя қилишдек савобли ишларни амалга ошириш учун керакли бўлган мутахассисларни тайёрлаб беришга ўз ҳиссасини қўшаётган барча ҳамкасбларимизни

**Мустақилликнинг 17 йиллик
байрами билан**

самимий муборакбод этади.

**Барчага сиҳат-саломатлик, хонадонларига
файзу барака, тинчлик-хотиржамлик,
истиқлолимиз барҳаёт бўлишини
тилаймиз.**

**ЎҚУВ ҲАМ, ЎҚИТИШ ҲАМ
САВИЯЛИ БЎЛСА**

✓ **Таълим масканларида**

амалиётда юксак самарага эришиши аниқ

— Коллежимиз 1999 йилда шаҳардаги собиқ тиббиёт билим юрти негизида ташкил топган, — дея сўз бошлади **Наманган тиббиёт коллежи директори Соҳибхон Каримова**. — Ҳозирги кунда 3037 нафар талаба таҳсил оляпти. Замонавий ўқув-лабораторияларимиз бор. Улар жаҳон андозаларидаги мебеллар, асбоб-ускуналар, ўқув воситалари, компьютер техникаси билан тўла таъминланган. Компьютер хонамининг ўзи тўртта. Иккита спорт ва гимнастика залимиз талабалар ихтиёрида. Ўқув хоналаримиздаги доска, стол-стулларни ҳомийларимиз олиб беришди...

Директорнинг ҳикояси бизни коллеж ичкарасига чорлади.

Мана, Кореядан келтирилган ускуналар билан жиҳозланган рус тили ва инглиз тили ўқув хонаси. Унинг ёнида тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган акушерлик хонаси. Уларда талабalar — ҳам назарий, ҳам амалий билим олишади.

Коллежда бугунги кунда ўқув-тарбия ҳамда услубий ишлар ўқитилишининг замонавий илғор шакллари, янги педагогик технологиялар доираси тобора кенгайиб бормоқда. Ўқув-тарбия жараёнини яхшилаш мақсадида ўқитувчилар томонидан услубий ишлар устида жиддий изланишлар олиб борилмоқда. 40 нафардан зиёд ўқитувчилар ўқув қўлланмалари ва дарсликлар яратишди. Мавжуд 13 та кафедра фаолияти изчил. «Намунали очиқ дарс»лар ўтказилиши мунтазам.

Таълим-тарбия жараёнини яхшилаш ва дарслар сифатини ошириш мақсадида ўзаро дарс таҳлиллари ташкил этилди. Ҳар бир ўқитувчи дарс жараёнини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш саъй-ҳаракатида. Жумладан, «Фармация» кафедраси ўқитувчиси Л.Шарипова, ижтимоий фан кафедраси ўқитувчиси Х.Умарова, тарих фани ўқитувчиси М.Нажмиддинова, ички касалликлар фани ўқитувчиси Х.Қирғизова, «Тиллар» кафедраси ўқитувчиси К.Назаровалар томонидан яқинда ўтказилган очиқ дарслар коллежда намунали дарс соатлари деб топилди. Бугунги кунда уларнинг иш фаолияти ва дарс бериш жараёнлари кенг

ўрганилмоқда. Коллежнинг ҳар бир бўлимида мутахассисликлар бўйича (танлов Низоми асосида) «Энг яхши ҳамшира», «Энг яхши акушер», «Энг яхши фармацевт», «Энг яхши лаборант» кўрик-танловлари ўтказилиб, ғолиб чиққан ўқувчиларнинг рағбатлантирилиб борилиши ҳам яхши самара бермоқда. Ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида «Энг яхши ижодий иш» кўрик-танловида барча ўқувчи ва ўқитувчилар катта қизиқиш билан иштирок этишмоқда.

— **Коллежда дастурлар, ёрдамчи адабиётлар, видеоролик ва видео тасмалар таъминоти қандай?**

— Ўқув дастурлари, қўлланмалар, ёрдамчи адабиётлар, видеороликлар ва видео тасмалар билан тўла таъминланганмиз. Коллеж ахборот-ресурс марказида 4894 та умумтаълим фанларидан, 24885 та махсус фанлардан ўқув дарсликлари, 78 та маъруза матнлари, 9455 та сиёсий-бадиий адабиётлар, 57 та электрон дарсликлар ва 10 та ўқув

услубий қўлланмалар мавжуд. Белгиланган йиллик иш режаси ижроси бандма-банд бажариб борилмоқда. Маънавият хонамининг ўзида маънавий-маърифий соҳа бўйича 50 дан ортиқ адабиётлар, 151 та рисола, 32 та видеоматериал ва 100 дан ортиқ плакатлар мавжуд. Улардан турли маънавий-маърифий тадбирлар, маънавият соатларида унумли фойдаланилмоқда.

— **Битирувчиларни ишга жойлаштириш масаласи қандай ҳал этилмоқда?**

— 2007 ўқув йилида коллежимизни 601 нафар йигит-қиз битирди. Улардан 13 нафари олий ўқув юртига киришди, 281 нафари ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштирилди, 127 нафари мутахассислигига яқин соҳаларда ишлашмоқда, 11 нафари ҳарбий хизматда, 73 нафари оилавий шароитларига кўра, вақтинча уйларида ота-оналарига қарашиб турибди. 2008 йил битирувчилари ҳақида ҳам худди шундай кўрсаткичлар бўлиши кутиляпти.

МАЪЛУМОТЛАРДАН КЎЧИРМАЛАР:

«Коллежда 60 та фан тўғарақлари ташкил этилган. Улардаги машғулотлар ҳар бир фанга оид ўқув хоналарида ўтказилади. Иш тартиби ўқувчиларнинг ўқув машғулотларининг ўзлаштириш яқунлигига қараб белгиланмоқда. Барча ўқув хоналарида машғулот олиб бориш учун қўлай шарт-шароитлар мавжуд»

«Коллежда ахборот-ресурс маркази (АРМ)га барча ўқувчилар азво. Унда 1 та раҳбар, 1 та бўлим бошлиғи, 6 та ходим фаолият кўрсатмоқда»


«Коллеж кутубхонаси 17 турдаги 743 та рўзнома, 9455 та бадиий адабиётлар билан таъминланган. Унда мутолаа қилувчилар учун 60 ўринли зал мавжуд»

«Акушерлик иши» ва «Ҳамширалик иши» бўлимлари ўқувчилари ўртасида яқинда ўтказилган «Сиз қонунни биласизми?» мавзудаги бешлашув гўят қизиқarli бўлди».

«Алишер Навоий номли вилоят мусиқали драма театри биносида коллеж ёшлари ўртасида бўлиб ўтган «Шунқор қизлар ва шунқор йигитлар» бешлашуви ҳозир вилоятдаги бошқа ўқув дароҳларида ҳам оммалашаяпти».

Мазкур кўчирмалардан кўриниб турибдики, Наманган тиббиёт коллежида таълим-тарбия савияси рисоладагидек даражада бўлиб, унинг фаолияти ҳам йил сайин тақомиллашмоқда. Мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги нишонланадиган тантаналар билан бирга янги — 2008-2009 ўқув йилини бошлашга катта ҳозирлик кўраётган коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари жамоасига бундан буён ҳам қувончи ютуқлар тилаб қоламиз.

Зулхумор ҲУЛООВА



**ҚАРШИ КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ
ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ
ЖАМОАСИ**

**Серқуёш Ўзбекистонимизнинг
меҳнатсевар ва
фидойи халқини энг улугъ,
энг азиз байрам —**

**Истиқлолимизнинг 17 йиллиги билан
чин дилдан муборакбод этади.**

**Мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнаши,
халқимиз фаровонлигини ошириш,
иқтисодиётимизни мустаҳкамлаш ва
ривожлантириш йўлида хизмат
қилаётган соҳамиз вакиллари
ҳалол ва савобли ишларига
улкан зафарлар тилаймиз!**

**Осмонимиз доимо мусаффо,
хонадонларимиз тинч, дастурхонимиз тўкин,
истиқлолимиз мангу бўлсин!**



**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ**

**Юртдошларимизни, азиз ўстозлару талабаларни
Мамлакатимиз мустақиллигининг
17 йиллиги шодқўнаси билан қутлайди.**

Ёшлар йили ҳаммамизга омадли келсин.

Мустақиллик айёми муборак бўлсин.



Денов туманидаги

**«ҲУМОЙИДДИН-АСОМИДДИН»
муқобил машина-трактор парки жамоаси**

халқимизни Истиқлол байрами билан қутлайди.

**Мустақиллик шарофати билан туманимизда юзлаб фермер
хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Янги замон мулкдорларига
каларбаста бўлаётган жамоамиз йўтган йилларда қатор
ютуқларни қўлга кириштирди.**

**Ниятимиз мана шундай шарафли ва масъулиятли ишларни ана
қавом эттиришидир. Ватанимиз жаҳонга танилди. Дунёга чиққан
юртимиз бундан кейин ҳам барқарор ривожлансин,
янада қўлаб-яшнасин!**

ОБАМА НОМЗОДЛИКНИ
ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Сенатор Барак Обама Демократик партиядан АҚШ президентлигига номзод бўлиш таклифини расман қабул қилди, деб хабар беради AFP. Партиянинг 84 минг тингловчи билан Денвер шаҳрида ўтказган съездида Обама «Вашингтоннинг нотўғри сиёсатини тўғрилаш»га ваъда берди. Номзод шунингдек, ишсизлар ва истеъмол қарзларини тўлолмайдиганлар кўпайиб кетганини алоҳида таъкидлади. Обама «АҚШ иқтисоди ва сайёраимиз хавфсизлиги учун» яқин йиллар ичида мамлакатнинг Яқин Шарқ нефтига тобелигига ҳам нукта қўйишни ваъда қилди.

ҲАМКОРЛИККА КЕЛИШИЛДИ

Учта форсийзабон давлатлар — Афғонистон, Эрон ва Тожикистон раҳбарлари терроризм, трансмиллий хиноятчилик, наркоэкспансия ва бошқа глобал таҳдидларга қарши курашишда ҳамкорлик қилади. ИТАР-ТАСС хабарига кўра, Имомали Раҳмон, Ҳомид Карзай ва Маҳмуд Аҳмадинажот ўрталарида бўлган учрашувда учала давлатнинг келгусидаги иқтисодий интеграция масалалари, жумладан, тоғ-кон саноати, транспорт ва гидроэнергетика соҳаларида ҳамкорлик қилиши муҳокама этилган.

САҲРОНИ
«ЗАБТ» ЭТДИ

Луи-Филипп Лонг бир ўзи Австралиянинг Симпсон саҳросини пийда кесиб ўтди. РИА Новости хабарига кўра, 31 яшар Бельгия фуқароси 600 километри 35 кунда босиб ўтган. Сафар давомида сайёҳ 140 литр сув, беш ҳафтага етулик озиқ-овқат ва битта чодир олган. Симпсон чўлида ҳаво ҳарорати Цельсий бўйича кундузи 30-35, кечаси уч даража совуқ бўлади.

ҚУЛУПНАЙ
МАЗАЛИ ОЛМА

Америкалик биохимиклар сабзавот ва меваларнинг мазасини ўзгартириш усулини топди, деб ёзади Nature журнали. Унга кўра, лимон мазасини берадиган тарвув ва қулупнайга ўхшаган олма этиштириш мумкин. Тажрибалар орқали олимлар меванинг мазасини белгилловчи фермент — Arabidopsis thaliana бошқаришни ўрганди. Худди шу фермент шунингдек, ўсимликни паразитлардан ҳимоялаш вазифасини ўтайди. Тадқиқотлар натижасида сабзавот ва меваларнинг мазаси ва турини яхшилаш мумкин. Худди шундай фермент денгиз ўсимликлари ва жониворлар таркибида ҳам аниқланган.



Орамиздаги одамлар

ҲАМ ЭЛ БИЛАН,
ЕР БИЛАН ТИЛЛАШАЁТГАН

замондошимиз қизиқлиқ фермер Соат Пардаевнинг хайрли ишлари хусусида

Ҳар бир ҳудуднинг ўз оқсоқоли бўлади. Соат ака ҳам ана шундай инсонлардан бири. Алпомиш келбатли қаҳрамонимизни полвон фермер, дейишганида аввалига ҳайрон бўлдик. Кейин ўзи билан дилдан гаплашган, бу эътироф бежиз айтилмаганига амин бўлдик. Бундан ташқари, қаҳрамонимиз чўпонликнинг ҳам ҳадисини олган. Паррандачиликда эса ўзига хос мактаб яратган. Сабзавот ва полиз маҳсулотлари этиштиришда ҳам кўпчилик Соат полвонни йўқлайди... Саховатпешалик, ўзгаларга мурувват кўрсатиш унинг хайрли амалига айланган.



— Жуда яйраб яшайдиган, ишлайдиган замон келди-да, — дея гурунг бошлайди Соат фермер. — Мустақиллик бизга ўхшаганларга катта имкониятлар яратди. Меҳнат қилиш учун ҳамма шароит бор. Айниқса, аввалгига ўхшаб идорама идора сарсон бўлиб юришлар йўқ энди. Ёниги дейсизми, минерал ўғитми, барчаси муҳайё. Энг асосийси, керакли маҳсулотлар пешма-пеш даланинг ўзига етказиб берилмоқда. Муҳими, манфаатдорлик кўчаиди. Одамлар ҳам ўз меҳнатлари ортидан бойишлари мумкинлигини англаб етди. Натижада қишлоғу маҳаллалар кундан-кунга обод бўлмоқда. Юртинч, фарзандлар бахтли. Бундан ортиқ яна нима керак? Фақат шу ватан учун ҳалол меҳнат қиласан. Ишлаганда ҳам ҳалол, виждонан, чин юракдан тер тўкиб ҳаракат қилиш даркор.

Хуллас, 2005 йилда Соат Пардаев раҳбарлигида «Монашбий Валижон» фермер хўжалиги ташкил этилган. Хўжалик аъзолари дастлабки йили 65,5 гектар майдонда деҳқончилик қилишди. 32 гектар майдондаги галланинг ҳар гектаридан қарийб 40 центнердан ҳосил олинган бўлса, пахтадан ҳам чўнг хирмон яратилди. Ерга, мулкка эгаллик ҳисси бўлса, кишида интилиш, қизиқиш ортаркан. Уша йилнинг ўзида хўжалик 30 миллион сўмга яқин даромад олган экан...

— Йилдан-йилга бойиб бораёпмиз, — сўхбатимизга қўшилиди ҳисобчи Бахтиёр Хайитов. — Утган йили ҳар гектар ердан 45 центнердан галла хирмони уюлди. Давлатга 85 тоннага яқин сара дон сотдик. Бундан ташқари ўзимизга ҳам 50 тоннадан ортиқ бугдой қолди. Шунинг қарийб тенг ярми

жамоамиз аъзоларига берилган бўлса, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ҳам бундан баҳраманд бўлишди. Кекса ва нурунийларга ҳам таркатдик.

Пахтачилик соҳасида ҳам фермер хўжалигимиз аъзолари эришган натижалар чакимас. Йил якунида 62 миллион сўмдан ортиқ даромад олдик. Шунинг 21 миллион сўми соф фойдадир. Бу йил эса 100 миллион сўм даромадни чўтлаб турибмиз.

Соат Пардаев ҳақида гап кетса, авваллари кўпроқ полвон сўзи қўшиб айтиларди. Энди эса уни оқсоқол, бой фермер дейиш урфга кирган. Бундан ташқари, фарзандлар тўйи, дейсизми, уларга янги уй-жойми, буларнинг бари шу ҳалол пешона тери эвазига-да...

— Яна бир гап. Утган йили полвон фермер Тошкентда ўтказилган халқаро «Агротехэкспо» кўргазмасида ҳам қатнашиб, «МТЗ-80» трактори харид қилган экан. Бугун эса унга техника хўжалик аъзоларининг мушкуллини осон қилмоқда.

...Шигил-шигил кўсақларини кўтаролмаётган ям-яшил гўзалар кўзларни қувнатди. Соат ака залворли қадамлар билан эгат оралайди. Дуч келган бир туп гўзадаги кўсақларни санай бошлайди.

— 26 та кўсақ бор экан. — Насиб этса 50 центнердан кам бўлмайди. Бу дегани эртага шу ҳосил ортидан қанчалар оилалар бойийди, юртимиз обод бўлади.

Дарвоқе, шу йилнинг бошида Соат Пардаев яна 45 гектардан ортиқ ер олди. Ташландик, кўп йиллардан буён режаси ўлжа-жўлда бўлиб юрган майдон ўз эгасининг қўлига тушгани учун бугун гуллаб ётибди.

хурсанд, атрофдаги аҳолиям миннатдор, чунки қанча одам ишли бўлди.

— Манфаат, фойда бор жойда ишга қизиқиш ортаркан, — дейди «Алмурад Ёқубов» номли фермер хўжалиги ишчиси Мусурмон Ёқубов. — Яқинда Соат ака ўз ишчиларига яхши ишлагани учун қимматбаҳо совғалар топширди. Пахта режаси уйдаланса, телевизор, гилам беришга ваъда берибди. У кишига фақат ҳавас қилиш керак. Яна бир гап: баъзи фермерлар галладан бўшаган майдонларга иккинчи экин экишди. «Монашбий Валижон» эса 41 гектар ерни обитобида хайдаб, келгуси мавсумга тайёрлаб қўйган. Бунда ҳам ўзига хос ҳикмат бўлса керак. Чунки саратоннинг иссиғида дам олган заминда мўл ҳосил битида.

Чин маънода ҳам эл билан, ҳам ер билан тиллашаётган фермер Соат Пардаев бугунда етти хазинанинг бири — чорвачилик ҳамда паррандачиликни ҳам ривожлантирмоқда. Қўрадаги хисори қўйлар 60 тадан зиёд. 500 тадан ортиқ парранда эса рўзгорга барака киритаётир...

Ҳа, Қизирик туманилик Соат Пардаев ана шундай кўпқиррали инсон. Фаолияти ҳам кенг қамровли. Амалга оширган ишлари мактовга лойиқ. Хуллас, ўзининг саховатли ва қадрдон далаларига меҳр қўйган замондошимизнинг орзулари ҳали бисёр. У бутун халқимиз билан бирга энг улўғ байрам — Истиқлолимизнинг муборак 17 йиллигини муносиб кўтиб олиб, яна улкан режалар, амалга оширилажак эзгу ишлари ҳақида ўйлаётир.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
Бахтиёр АЛИҚУЛОВ. t

АНДИЖОН МУҲАНДИСЛИК
ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ЖАМОАСИ

Бунёдкор халқимизни, юртимизнинг турли ҳудудларида фидойилик кўрсатиб фаолият юритаётган барча ҳамкасбларимизни ва келажакимиз ворислари бўлган талаба ёшларни

Буюк истиқлолимизнинг 17 йиллик

байрами билан

чин юракдан самимий табриклайди.



Ушбу файзли айём ҳар бир хонадонга қут-барака, сиҳат-саломатлик, бахту омад бағишласин!

Баркамол авлодни тарбиялаш йўлида тинимсиз меҳнат қилаётган соҳа вакилларига хайрли ишларида доимо улкан зафарлар ёр бўлсин!

«ТРАСТБАНК»




ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни

Мустақиллигимизнинг 17 йиллик қутлуғ байрами билан муборакбод этади!

Истиқлол туфайли гуллаб-яшнаётган юртимизда ҳар кун, ҳар лаҳза тинчлик ва осойишталик, тўқинлик ва фаровонлик ҳукмрон бўлсин.

Юртимиз тараққиёти ва равнақи йўлида меҳнат қилаётган барча юртдошларимизга, жумладан, ҳамкасбларимизга ҳам, ютуғу омадлар тилаймиз!



Байрамингиз муборак бўлсин, азизлар!

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

АНДИЖОН ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ
«ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича
ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Андижон аэродроми ҳудудида қурилиш режалаштирилган 90 ўринли ётоқхона қурилиши
Буюртмачи: вилоят ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

Андижон шаҳри, А.Навоий шох кўчаси, 45. Телефон: (8 374) 224-23-94.

Қурилиш ишларини молиялаштириш: буюртмачига ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Бундан ташқари: Пахтаобод туманидаги «Тентаской» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.
Буюртмачи: Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология мелiorатив экспедицияси.

Андижон шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 7-а.
Телефонлар: (8 374) 237-39-14, 222-28-76.

Таъмирлаш ва тиклаш ишларини молиялаштириш: буюртмачига ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан мудофаа иншоотларида қурилиш ишларини олиб бориш учун берилган рухсатнома (лицензия)га эга бўлишлари (ётоқхона қурилиши иншооти бўйича танлов савдоларида қатнашмоқчи бўлганлар учун), танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридида айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала

ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:

Андижон шаҳри, Б.Ҳакимов кўчаси, 14-а уй, тел/факс: (8 374) 224-72-79.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридидаги манзилда қабул қилинади.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишининг охириг мuddати — оферталар очилиш куни ва соати. Танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан 30 кундан сўнг юқоридида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

«ПАХТА БАНК»



АНДИЖОН ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ



Юртдошларимизни улуғ байрамимиз
Мустақилликнинг 17 йиллиги билан
самимий табриклайди.

«Пахта банк» учун
мижоз манфаати ҳамisha устувор.
«Пахта банк» — фаровонлигингиз калитидир.

Истиқлол айёми муборак бўлсин!

«ҒИЖДУВОН МАТЛУБОТ САВДО»

ТЎЛИҚ ШИРКАТИ ЖАМОАСИ

Истиқлолимизнинг 17 йиллик тўйи билан
мамлакатимиз халқини, уларга сидқидилдан савдо хизмати
кўрсатаётган соҳа ходимларини қизгин табриклайди.

Мустақиллик йилларида барча соҳаларда амалга оширилган ислохотлар
аҳолига намунали савдо хизмати кўрсатиш сифати ҳамда
маданиятини оширишда, таъминотини яхшилашда муҳим аҳамият
касб этди. Шу боис, биргина Ғиждувон туманида ҳам бу борада
ибратли тажрибалар тўпланди. Бу эса ғиждувонликлар
хонадонида ҳамisha тўкинлик, файзу барака бўлишини таъминламоқда.

Ҳар кунимиз байрам бўлсин, азизлар!

«САМАРҚАНД» ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ

куйдаги иншоотни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича
ҚАЙТАДАН ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Самарқанд халқаро аэропорти-
нинг АТБ пехларини (4- ва 5-
участкалари) капитал таъмир-
лаш.

Қурилиш ишларини бажариш
муддати — 3 ой.

Буюртмачининг бошланғич
нархи — 111 668 397 сўм.

Қурилиш ишлари «Самар-
қанд» халқаро аэропорти хусу-
сий маблағлари ҳисобидан мо-
лиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Дав-
лат архитектура ва қурилиш
қўмитасининг Самарқанд вилоя-
ти қурилишда танлов савдолари
ва нархларни шакллантириш
худудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: — Са-
марқанд шаҳри, академик В.Аб-
дуллаев кўчаси, 1-уй.

Телефон: (8366) 230-86-99,
232-04-82.

Талабгор сифатида иштирок
этаётган корхона ва ташкилот-
лар куйидаги талабларга мос
келишлари керак: улар танлов
савдолари предмети қийматининг
камиди 20 фоизи миқдоридати
айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб
ўтилган маблағларни беришга банк
кафолатномасига, ишлаб чиқариш ба-
залари, ишлар (хизматлар)ни
бажариш учун зарур бўлган меҳнат
ресурсларига ва мута-

хассислар мавжудлигига, тан-
ловга қўйилган объектга
ўхшаш иншоотларда ишлаган-
лик тажрибаси ва кўникмалар-
га, шартномалар тузиш юза-
сидан фуқаролик-муомала
ҳуқуқий лаёқатга эга бўлиш-
лари шарт.

Савдода қатнашиш ва тан-
лов ҳужжатларига эга бўлиш
учун сўровнома билан савдо
ташкilotчиси — Самарқанд
вилояти қурилишда танлов
савдолари ва нархларни ша-
клантириш худудий консал-
тинг марказига куйидаги ман-
зил бўйича мурожаат этишля-
ри мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой
майdonи, корпус-2Д, 403-хона.
Факс: 233-32-00, тел: 231-13-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпла-
мининг қиймати — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни сав-
до ташкilotчисига тақдим
этишнинг охириги муддати —
оферталар очилиш кунини ва соати-
гача.

Таклифлар (оферталар) очили-
ши матбуотда эълон чоп этиш-
гандан бошлаб камиди 30 кундан
кейин куйидаги манзилда: Са-
марқанд шаҳри, академик В.Абду-
ллаев кўчаси, 1-уйда соат 10.00
да «Самарқанд» халқаро аэро-
порти биносида ўтказилади.

Истиқлол шукуҳи

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МУЗРАБОТ

янада чирой очди, гуллаб-яшнамоқда

Сурхон воҳасининг
жанубида жойлашган
Музработ Амударё орқали
Афғонистон, ғарбдан
Туркменистон билан
чегарадош. Шимолдан
жанубга пасайиб, ғарбда
Қўхитанг тоғларига тута-
шиб кетади. Истиқлол
йилларида туманда ишлаб
чиқариш янада кенгайди.
Янги иш ўринлари яратиш-
га алоҳида эътибор қара-
тилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган




сўмлик имтиёзли кредит
маблағи ҳисобига 150
дона тикувчилик дастгоҳи
келтирилганди. Касаначи-
ликни ривожлантириш
мақсадида дастгоҳлар 150
нафар ишсиз аёлларга
тарқатилди.

Жорий йилнинг ўтган
ойларида туманда 1,5
мингдан ортиқ янги иш
ўринлари яратилган.
Шунинг 433 нафарини
аёллар ташкил этса, 578
нафар ёш муқим иш

даврида туманда саноат
маҳсулотлари тайёрлаш
5,5 фоизга ўсган. Халқ
истеъмоли моллари,
маиший, пуллик хизмат
кўрсатиш ва бошқа соҳа-
ларда ҳам улкан ютуқлар
қўлга киритилмоқда.

Яхшиси, мисолларга
муурожаат қилайлик.
Қишлоқ ҳўжалиги соҳаси-
ни оладиган бўлсак,



ўринларига эга бўлган.
Келажакимиз эгалари
бўлган ёшларнинг ҳар
томонлама баркамол
бўлиб вояга етишлари
учун туманда қатор
ижобий ишлар амалга
ошириляпти. Айниқса, энг
улуғ байрамимиз Муста-
қиллик айёми кунлари 25-
54-, 41-, 3-, 44- ҳамда
13-умумий ўрта таълим
мактабларида таъмирлаш
ишлари якунланиб,
фойдаланишга топшири-
лади.

жорий йилда эса мавжуд
1117 та фермер ҳўжалик-
лари томонидан 30679
тонна ғалла етиштирилди.
Бу ўтган йилга нисбатан
4,0 минг тоннага кўп,
демакдир. 16,0 минг
тоннадан ортиқ дон
фермер ҳўжаликлари
ихтиёрида қолдирилди.
Бундан ташқари, картош-
ка, сабзавот, полиз
маҳсулотлари, ҳўл мева,
гўшт, сут ишлаб чиқариш
режалари ҳам ортиги
билан адо этилган.


Музработда кўшма
корхоналар бунёд этиш,
ёшларни иш билан таъ-
минлаш борасида ҳам
мақтовга аригулик ишлар
амалга ошириляпти.
Жумладан, жорий йилда
«Эркин-Термизий» хусусий
корхонасида гишт ишлаб
чиқариш йўлга қўйилди. Бу
ерда 20 нафар киши иш



билан ҳам таъминланган.
Шунингдек, «Музработ
ғишт» масъулияти чеклан-
ган жамиятда қурилиш
маҳсулотларининг ҳажми 8
фоиздан 22 фоизга оши-
рилди. «Аъзам» хусусий
корхонасида эса «Бандлик»
жамғармаси ҳисобидан
ажратилган 20,0 миллион

Бир сўз билан айтганда,
қадимда яйдоқ чўлдан
иборат бўлган худуд
истиқлол шарофати
туфайли обод бўлмоқда.
Унинг барқарор ривожла-
нишида шу эълнинг қалби
қайноқ, фидойи инсонлари
камарбаста бўлишаётир.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
Бахтиёр АЛИҚУЛОВ.



Мурувват

Айни кунларда Бойсун туманида жойлашган 12-сонли Меҳрибонлик уйида 150 нафар бола таълим-тарбия олмақда. Уларнинг етук инсонлар бўлиб вояга етишлари учун барча қулай шароитлар муҳайё.

— Мамлакатимизда таълим муассасаларининг фаолияти тубдан яхшиланмоқда, — дейди Меҳрибонлик уйи директори Мухаммади Норкулов. — Тизимда рўй бераётган бундай ўзгаришлардан фахрланамиз, албатта. Бу йўлда амалга оширилаётган ислохотлар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини гувоҳ бўлиб туришимиз. Ёшлар йили муносабати билан Меҳрибонлик уйларига бўлган эътибор янада кучайди. Уларнинг ҳар томонлама етук, баркамол, келажакка ишонч билан қарайдиган кишилар қилиб тарбиялашга қаратилган дастур асосида иш олиб борилмоқда. Жамоамизнинг асл мақсади барча имкониятларни ишга солган ҳолда муассасани оила, уй шароитига яқинлаштиришдир. Узро муносабатларни ота-она ва фарзанд, опа-сингил ҳамда ака-ука сифатида шакллантиришни бурчимиз деб биламан. Бу борада «Ҳар бир фарзандга меҳр-эътибор» шиори доирасида тадбирлар амалга ошириляпти.

Мурғак қалбларнинг дардиға шерик, хурсандчилиғига ҳамроҳ бўлиш кекса авлод вакиллари-нинг энг асосий вазифаларидан биридир. Мазкур дароҳда бу борада кўплаб эзгу ишларнинг амалга оширилгани бунинг ёрқин исботидир. Муассаса 2005 йилда республикамизда «Энг

БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

Янги ўқув йили арафасида Сурхондарё вилоят ҳокимлиги, прокуратура, ички ишлар ҳамда халқ таълими бошқармалари ташаббуси билан Бойсундаги 12-сонли Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари Термиз шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.



Икром Тўраев олган сурат.

яхши Меҳрибонлик уйи» деб эътироф қилинган эди. 2006 йилда эса «Энг яхши иш тажрибасига эга» номинациясини ҳам кўлга киритди. Айни кунларда бу ерда ўнга яқин тўғарақлар фаолият кўрсатмоқда. «Соғломлаш-

тириш маркази»да болажонлар волейбол, футбол, баскетбол, кураш, теннис, шахмат-шашка билан шугулланишади.

— Биз учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди тарбияланувчи Сабоҳат Эрки-

нова. — 150 ўринли ётоқхонамиз бор. Ошхонада ширин овқатлар тайёрланади. Дарсдан бундан тўғрисида тўғарақларга қатнашамиз. Ўзим келажакда тикувчи бўлмоқчиман...

Мустақиллик йилларида мазкур

Меҳрибонлик уйининг барча бинолари тубдан таъмирланди. Замонавий соябонлар келтирилган. Мўъжаз амфитеатр мажмуаси қурилди. Гулзор, фаворалар ташкил этилди. Саломатлик мажмуасида 26 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Хуллас, бу ерда болажонлар келажак йўлида кенг микёсда эзгу ишлар давом этмоқда...

— Янги ўқув йили олдида болажонларга қувонч бахш этдик, — дейди Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Алишер Менглиев. — Улардан бир гуруҳи Термиз шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан таништирилди. Келажакда ана шундай тадбирларни мунтазам ўтказиш режалаштирилган...

— Дастлаб буюк бобоколони-миз мангу қўним тоған маскан — Ҳаким Термизий зиёратгоҳига бордик, — дейди халқонлар билан санжаргафоров. — Вилоят археология музейидан ҳам олам-олам таассуротлар олдик. Ҳар бир кўргазма қадим ва бетакорлиғи билан бизларни мафтун этди.

— Хайвонот боғидаги жониворлар менда қизиқиш уйғотди, — дейди Сергей Шелест. — Асалхўр пахмоқвой, улкан бургут ва дунёнинг турли жойларидан келтирилган хайвонларни мириқиб томоша қилдик. Ажойиб ташкил уюштирилди. Хомийлар томонидан ҳар биримизга совға-саломлар улашилди. Бундан барчамиз хурсанд бўлдик.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Суратда: Термизнинг диққатга сазовор жойлари билан танишув.

Истиқлол илҳомлари

ФАХРИЯ

Кўз очиб кўрганам — сен,
Ҳайвонот боғида,
Ҳам танам, ҳам жоним — сен!

Қадди баланд, тикдирман,
Шийдатим зўр, тек турмам.
Ўзбекистиман, беқадирман,
Бир буюк султони — сен.

Ўзига бек ўзим,
Ер — узук, сен кўздем,
Тарихиндан сўз демим —
Келса, илҳом — шоним — сен.

Турон элим, жон элим,
Ковчига шон элим,
Сунгани — эрк, элим,
Кўзга Туркистоним — сен.

Хурлик бўлиб мақсудим,
Гоҳ кулиб, гоҳ ўқидим.
Аждодларим кўксидан —
Силҳибетган қоним — сен.

Шийдатинда чақин бор,
Қўёни қадар яқин бор! —
Демоққа-да ҳаққим бор
Бил, Соҳибқироним — сен.

Умримнинг ҳар лаҳзаси,
Ҳар нафас, ҳар лавҳаси,
Шевримнинг сарлабҳаси,
Дилдаги илҳомим — сен.

Ўтди қанча замонлар,
Сандони йўқ халқонлар...
Афросиёб томондан —
Йўл олган қарвоним — сен.

“Эл бўлиб, виқор-ла юр!”
Дилда давбат торлаюр.
Мени ким деб чорлаюр —
Аслида ўз номим — сен.

Тутрови тилло Ватан,
Озодсан, илло Ватан.
Тоабод гулла, Ватан,
Хур Ўзбекистоним — сен!
Ориф Тўхташ



ТИЛАК

Элу юртнинг суянгичи, қоялари,
Аҳли ҳикмат осмонининг зийлари,
Бу дунёни асрар қилган дуолари,
Отажонлар омон бўлсин, бахтимизга.

Меҳру вафо чаманининг рағнолари,
Ақлу ҳушда доноларнинг донолари,
Асли улар шу оламнинг маънолари,
Онажонлар омон бўлсин, бахтимизга.

Эзгулик боғининг боқий чинорлари,
Адолат қасрининг мовий минорлари,
Оламни яшнатар қўлда хунорлари,
Мард йиғитлар омон бўлсин, бахтимизга.

Ой хижолат чекар, кўрса малоҳатин,
Чегараси йўқдир севги, садоқатин.
Сира англаб бўлмас сир синаватин,
Лобар қилар омон бўлсин, бахтимизга.

Меҳри билан парвонадир бошимизда,
Энг оғир дам пайдо бўлар қошимизда,
Йўлдош бўлар ҳапатоки юз ёшимизда,
Дўсту ёрлар омон бўлсин, бахтимизга.

Кундан кунга яшнар озод, обод Ватан,
Бахт, саодат, фароғатга шов Ватан,
Бунча ширин қанду аса, новот Ватан,
Ўзбекистон омон бўлсин, бахтимизга.

Комил СИНДАРОВ

Истеъдодли ёшлар — миллат гурури, мамлакат таянчи

ИМКОНИАТ МАСЪУЛИЯТИ

Мамлакатимизда илмга чанқоқ ва иқтидорли ёшлар жуда кўп. Уларнинг дунёқароши, оруз ниятлари ҳам ўзига хос. Яқинда таҳририятимизда 17 ёшлилар билан бўлган учрашувда ўзини Тошкент юридик коллежи 2-босқич талабаси Муборак Каримова деб таништирган қизнинг ҳам эркин фикрлари, оруз интилишлари эътиборимизни тортиди.

— Тарих ва ҳуқуқшуносликка қизиқаман, — дейди у. — Ўзбекистонда диний бағрикенглик мавзусида илмий иш ҳам бошладим. Бундан ташқари, Бобурнинг ҳаёти, ижоди ва Бобурийлар шажрасини ўрганяпман. Жавоҳрлар Неру бекорга «Бобур дилбар шахс» демаган. Айни пайтда мавзуга


доир маълумотларни тўплаяпман. Тарих фанлари бўйича олим, бобуршунос, акбаршунос бўлиш, улар тўғрисида бадий асрлар ёзиш орзۇм бор. Бундан ташқари, буш вақтларимда нумизматика — қадимий давр тангаларини йиғиш билан шугулланаман.

Юртимиз тарихи жуда бой ва бетакор. Тарихий обидаларимизнинг гўзаллиги ва ўзига хослиги ота-боболаримизнинг интеллектуал салоҳияти жуда юқори бўлганидан далолат беради. Улар бизга бутун дунёни ҳайратга солган ва солаётган бебахо мерос қолдиришган. Бугун биз нафақат улар билан фахрланамиз, бошимизни баланд тутишимиз, балки, уларга

муносиб авлод бўлиб етишимиз, янгиликлар, кашфиётлар яратиб, ҳеч кимдан кам эмаслигимизни исботлашимиз керак.

Биз озод юртнинг бахтли авлодимиз. Илм олишимиз, касб ўрганишимиз учун катта эътибор берилган. Хурият бизга берган имкониятларнинг баҳосини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Айни чоғда, яратилган ушбу шароитларга жавобан тинимсиз изланишимиз, пухта билим олиб, ўз соҳамизнинг малакали мутахассиси бўлиб етишмоғимиз зарур деб ўйлайман. Мамлакатимизнинг эртанги кудрати қандай бўлиши биз ёшларга боғлиқлигини чуқур англаб туришимиз.

Гулгун СУЛТОНОВА ёзиб олди.



БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Қишлоқ инфратузилмасини такомиллаштириш, аҳолига сервис хизмати кўрсатишни янада яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бераётир.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллик байрами арафасида Қорақалпоғистон Республикаси Элиқалба туманидаги «Гулистон» овул фуқаролар йиғини ҳудудида алоқа бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Мазкур иншоот шу ерда истиқомат қиладиган олти мингдан зиёд

аҳолига хизмат кўрсатади.

— Бу ерда ўрнатилган замонавий воситалар мижозлар вақтини тежайди, — дейди туман почта алоқа тармоғи бошлиғи Жамолдин Фахруллоев. — Яқин кунларда бўлимда электрон пул жўнатиш тизими ҳам йўлга қўйилди.

Бугун туманининг 126 минг аҳолисига 20 почта алоқа бўлими намунали хизмат кўрсатмоқда.

А.ОРТИҚБОВ,
ЎЗА муҳбири

КИТОБ «ПИЛЛА» МЧЖ КРЕДИТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Қашқадарё вилоят Ҳўжалик судининг ҳал қилув қарори билан «банкот» деб эътироф этилган Китоб тумани «Пилла» масъулияти чекланган жамиятининг навбатдаги кредиторлар қўмитаси ва кредиторларнинг умумий йиғилиши мажлиси 2008 йил 10 сентябрь куни соат 10.00 да Китоб тумани «Пилла» МЧЖ маъмурий биносига ўтказилди.

- Мажлисида кўриладиган масалалар:
1. Тугатиш бошқарувчисининг ҳисоботи.
 2. Кредиторлар реестрига аниқлик киритиш.
 3. Тугатиш муддати тугатаётганлиги сабабли мулкни тасарруф этиш.

Барча кредиторлар ўзлари билан қарздорликни тасдиқловчи солиштирма далолатномалар ва бошқа кредиторлик тасдиқловчи ҳужжатлар билан келиши шарт. 2008 йил 10 сентябрь кунига қадар кредиторлик қарзини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаган кредиторлар (бир йил давомида кредиторлик талабини билдирмаган ҳисобланади) реестрига киритилмайди.

Кўшимча маълумот ва саволлар учун телефонлар: 8(375) 526-45-75, 522-83-83.

«БУХОРОШАХСТРАНС»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни Мустақиллик байрами кунин билан табриклайди! Ҳар бир оиллага тинчлик-хотиржамлик, қут-барака тилайди.

Истиқлол шарофати билан фаолият бошлаган мазкур жамият ўтган давр мобайнида кўплаб ютуқларга эришди. Энг аввало намунали транспорт хизмати кўрсатиш борасида Бухоро шаҳар аҳолиси ва меҳмонларининг ҳурмат-эътиборини қозонди. Бир неча йўналишларда ҳаракатланаётган таксиларда йўловчилар учун ҳамма шароитлар муҳайё, мижозлар талаб-истаклари асосида хизмат кўрсатиш маданияти кун сайин такомиллаштириляпти.

Азизлар бизнинг борлигимиз, шону шўҳратимиз, эркин ва фаровон келажакимиз гарови бўлган Мустақиллигимиз абадий бўлсин, халқимиз эришаётган ютуқлар кўлами кундан-кунга кенгаверсин!

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV
TAHRIIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV Latif G'ULOMOV Asliddin RUSTAMOV Bobir ALIMOV Sharbat ABDULLAYEVA Feruz NAZIROV Murodulla ABDULLAYEV Ulug'bek MUSTAFOYEV Norqobil JALIL (Bosh muharrir o'rinbosari) G'afur HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari) Muslihidin MUHIDDINOV Nomoz SA'DULLAYEV Svetlana GERASIMOVA Andrey KUSTOV Ta'yana KISTANOVA Ochilboy RAMATOV Saidahmad RAHIMOV
MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQI DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780
MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovoz.uz e-mail: uzbovozi@mail.ru
Navbatchesi: Alisher RO'ZIYEV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV
«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 749 7962 nusxada bosildi t — Tijorat materiallari O'ZA yakuni — 02.25 Topshirilgan vaqti — 03.30 1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda